

Ватан ҳимоячилари байрами кенг нишонланди!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан Марғилон шаҳридаги Маданият марказида тантанали байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирни шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов табрик сўзи билан очиб, жанговар постида доимо ҳушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб келаётган мард ва жасур, содик ўғлонлар меҳнатини алоҳида эътироф этиб ўтди ҳамда ҳарбийларга байрам совғаларини тақдим этди.

Шунингдек, Ватанимиз озодлиги йўлида азиз жонини фидо қилган жасур ўғлон Бобуржон Фаниевнинг онаси Мунаввархон ая Фаниева ҳамда бир гуруҳ фидоий ҳарбийларга “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 30 йил” эсдалик нишони топширди.

Тадбир доирасида соҳирнафас санъаткорлар томонидан ёшлар қалбida юрт ҳимоясига бўлган шижоатни янада юксалтириш мақсадини мадҳ этувчи қўшиқлар ижро этилди.

Таникли сўз усталарининг ичакузди ҳангомалари тадбиррга янада кўтаринки кайфият улашди.

2022-01-14 17:41:03